



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (12.920)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ

Мамлакатимиздаги барча мактабларда ўқув йили якунланиб, сўнги қўнғироқ садолари янгради. Ўқувчиларнинг қалблари ҳаяжонга тўлиб-тошган. Чунки улар меҳрибон устозлари, қадрдон синфдошлари, жонажон мактаблари билан хайрлашиб мустақил ҳаётга дадил қадам ташлаш арафасидалар.

Юракларида олов гуриллаб тургандай гўё. Мустақил ҳаётга ташналик, эзгу ниятлари ва орзу-мақсадлари кўнгли кўзларидан чарақлаб турибди.

Бугунги кунда пойтахтимизда 287 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, жорий ўқув йилида 34908 нафар ўқувчилар 9-синфни битирмоқдалар.

Чилонзор туманидаги 178-инглиз тилига ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида ҳам эрта тонгдан тантанали бошланган сўнги қўнғироқ тадбирида мактаб ўқувчилари, битирувчилар, фахрий ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда маҳалла фоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларига бўлган қизиқиш ва билимларини янада мустаҳкамлашнинг юксак самаралари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Жумладан, 9-синф ўқувчилари ҳам сўзга чиқиб, мактаб билан боғлиқ тўққиз йиллик илиқ хотираларини ёдга олиш баробарида, ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан тадбирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлади.

— Айни дамда ажиб ҳаяжонлар оғушидамиз, — дейди 178-инглиз тилига ихтисослашган умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Машкура Бегматова. — Мактабимизнинг 2786 нафар ўқувчиларидан 285 нафари тўққизинчи синф битирувчилари ҳисобланади. Ўқувчиларимиз ўз болаларимиз каби азиз ва қадрли бўлиб қолганлар. Улар орасида иқтидорли, билимчилари жуда кўп. Бу йил 12 нафар ўқувчиларимиз "Билимлар беллашуви"нинг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллашди. 9-синф ўқувчиларимиздан беш нафари эса турли

фан олимпиадаларида совринли ўринларга сазовор бўлди. Биз шундай ўғил-қизларимиз борлигидан фойдаланамиз. Ишонимизки, улар келажакда мустақил юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар, халқ манфаати, юрт фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қиладилар...

Тадбир сўнггида биз битирувчи ёшларнинг келгусидаги орзу-мақсадлари ҳусусидаги дил изҳорларини ҳам қроғозга тўширдик.

— Менинг келажакдаги орзуларим улкан, ҳозирча инглиз тили мутахассислиги бўйича таълим олиб, кейинчалик шу соҳанинг етук билимдони бўлиб етишишни ният қилганман, — дейди 9-синф битирувчиси Бехзод Сафаров. — Устозларим, синфдошларим ва мактабдош тенгдошларим билан хайрлашиб ростини айтсам, оғир бўларкан. Устозларимиздан бир умр миннатдоримиз, улар берган билим ва тарбияга доимо амал қиламиз ва ҳеч қачон уларни унутмаймиз.

— Жуда ҳаяжонданман, — дейди битирувчи Нозима Муслимова. — Келажакда бизга билим ва тарбия берган ўқитувчиларимизнинг ўғитларига амал қилиб она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз. Орзуларимизга йўлдош, болалгимизга бош бўлган азиз мактабимиз билан боғлиқ хотиралар ҳамisha қалбимизда қолади.

Дарҳақиқат, қалби чексиз орзуларга тўлган ёшларимизнинг мақсадлари ўзлари каби бегубор ва улғидир. Уларнинг ҳаётга чанқоқлиги ҳеч қачон завоқ топмасин, ойдон орзулари эзгу мақсадларига ва ёруғ йўлларига туташ бўлсин.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: "Хайр мактаб — салом коллеж" тадбиридан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

ЖАҲОН ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва "Harry Savana - 2015" халқаро турнири бошланди. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳираси спорт мактабиди мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган турнирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Россия, Латвия, Беларусь, Болгария, Малайзия, Озарбойжон, Арманистон, Жанубий Африка Республикаси, Испания, Италия, Аргентина, Швейцария, Финляндия, Исроил ва бошқа мамлакатлардан энг кучли гимнастикчилар келган.

Ўзбекистон гимнастика Федерацияси президенти Л.Каримова-Тиллаева халқаро мусобақаларни очиб деб эълон қилди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнасти-

кани янада оммалаштириш, малакаи мураббийлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган гамхўрлик туфайли мамлакатимизда янги истеъдодлар, маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда, улар халқаро майдонларда Ўзбекистон шон-шавкати янада юксалтирмоқда.

Гимнастика билан шуғулланиш инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантириш билан бирга, унинг феъл-атвори, фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниктиради. Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари — спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, трамполин, акробатикани

оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимиз кўмағида иқтидорли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабаларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар кунининг минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига жалб этилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт заллари ҳам замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозланган.

2011 йилда Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳираси спорт мактаби ташкил қилинди. Олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган ушбу мактаб Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари учун турли мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва йирик турнирларни ташкил этиш имконини бермоқда.

(Давоми 4-бетда)

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон ва Корея Республикаси муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, яқин дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик тобора ривожланмоқда.

1999 йилдан "Ўзбекистон — Корея" дўстлик жамияти фаолият олиб бормоқда. Икки мамлакат санъаткорлари Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган турли анжуман ва фестивалларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Жанубий корейлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг фаол иштирокчиларидир. 2012 йилда Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари иштирокат қилаётганининг 75 йиллиги кенг нишонланди. Уша йили Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. Ўтган йили пойтахтимизда очилган Сеул боғи ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек қадрли масканга айланди.

Ўзбекистонда корейс тили, маданияти ва санъати, Жанубий Кореяда эса ўзбек тили, халқимиз тарихи ва маданияти ўрганилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрлари Корея Республикасининг ўттиздан орттиқ илимий-тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётир.

Жанубий Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили бўлими ташкил этилган. Корейлик ёшлар юртимиздаги олий таълим муассасаларида таълим олмақда.

Мамлакатимиздаги қатор таълим масканларида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий ўқув юрти, 30 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Шарқ тиллари кафедрасида корейс тили бўйича сабоқлар ташкил этилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2013 йил 23 майдаги "Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ университетда бунинг учун замонавий шарт-шароит яратилган.

Қатор факультетларда корейс тили марказлари ташкил этилган бўлиб, уларда зарур техника ва ўқув-методик қўлланмалар, турли адабиётлар мавжуд. Ҳар йили қарийб олтиш нафар талаба корейс тилини мукамал эгаллаб, тегишли мутахассислик олаётди.

Университет Жанубий Кореянинг қатор олий ўқув юртлири билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Сеул миллий университети, Чунганг, Жунбу, Чоннам ва Пусан чет тиллари университетлари билан талабалар алмашуви йўлга қўйилган. Тегишли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган университетнинг ўн нафар талабаси ҳар йили грант асосида Жанубий Кореяда таълим олиб қайтмоқда.

— Пусан чет тиллари университетидида бир йил ўқиб келдим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Яйра Махматқулова. — Бу корейс тилини мукамал ўзлаштиришимга катта ёрдам берди. Ўқшни битириб, бизга шундай имкониятлар яратиб берган давлатимиз ривожига, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшсам дейман.

Ўзбекистонлик ёшларга корейс тилини ўргатишда Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Мазкур агентликнинг уч нафар кўнгиллиси — корейлик мутахассислар университет ўқитувчилари билан биргаликда талабаларга корейс тилидан сабоқ бермоқда.

— Ўзбекистонда ёш авлодининг чет тилларни ўрганиши, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиши, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратилган, — дейди KOICA кўнгиллиси Юн Хён Чол. — Ўшларнингизнинг билимдонлиги, интилувчанлигига кишининг ҳаваси келади. Улар хорижий тилларни ҳам, замонавий технологияларни ҳам яхши билади. Бундай билимли, ҳар томонлама камолга етган ёшлари бор мамлакатингиз келажиги буюк бўлади.

Тошкентда 1992 йилдан буён Корейс таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда очилган кўплаб ўқув марказларида мазкур тилни ўргатиш йўлга қўйилган.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бораётди, — дейди "Ideal Class" ўқув маркази менежери Сабина Гайднзарова. — Бу омил юртдошларимизнинг корейс тили ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқишини оширмоқда. Шу боис ўқув марказимизда кўплаб хорижий тиллар қатори корейс тилидан сабоқ беришни ҳам йўлга қўйганмиз. Дарсларни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети битирувчилари ва корейлик ўқитувчилар олиб бормоқда.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги яқин дўстлик, кенг қўламли маданий-гуманитар алоқалар Ўзбекистон билан Корея Республикаси ҳамкорлиги янада истиқболли эканидан далолат беради.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб Бухорода ўтказилган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" ёшлар фестивали вилоят ёшларининг фаол ва ташаббускор эканини намойиш этди. «Камолот» ЁИХ ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.

● Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлимида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни ижросига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган семинар-тренингда журналистлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, бошқармалар ахборот хизмати раҳбарлари иштирок этди.

● IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Андижонда ўтказилган вилоят босқичида 250 дан зиёд ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ярмарка нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки кўплаб чакана ва улгуржи савдо корхоналари вакиллари ҳам қулай ва манфаатли ҳамкорлик шартномаларини тузиш имконини яратди. Ярмарка давомида қарийб 17,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

● Термизда Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, адлия, молия бошқармалари вакиллари, йирик акциядорлар, акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бўйича мутахассислари иштирокида Президентимизнинг жорий йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ва ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Хитой жанубида жойлашган Гуанси-Чжуан мухтор туманида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида жиддий муаммолар келиб чиқди. Табиий офат натижасида қурбонлар бўлмасада, кўплаб уйлар вайронага айланди, йўлларга ва қишлоқ ҳўжалик экинларида жиддий зарар етган.

● АҚШнинг самовий тадқиқотлар билан шуғулланувчи NASA агентлиги мутахассислари бундан беш йил муқаддам "WISE" телескопи воясида олинган маълумотлар асосида энг ёрқин галактикани кашф қилишди. У ердан 12,5 миллиард ёруғлик йили узокликда жойлашган бўлиб, Куёшдан 300 триллион баравар ёрқинроқ нур сочар экан.

● Буюк Британия ўзининг Европа Иттифоқи билан муносабатларини жиддий тарзда қайта кўриб чиқишни кўзда тутмоқда. Шу боис кейинги ҳафтада Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон Германия канцлери Ангела Меркель ва Франция президенти Франсуа Олланд билан учрашув ўтказди. Учрашув давомида Европа Иттифоқини ислоҳ қилиш юзасидан Буюк Британиянинг таклифлари кўриб чиқилади.



1200 ДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва
лойиҳалар республика ярмаркаси якунланди

“Ўзэкспомарказ”да 19-21 май кунлари бўлиб ўтган ярмарканинг дастлабки натижаларига кўра, унда умумий қиймати 25 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 1200 дан зиёд шартнома имзоланди.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида кооперация алоқаларини мустақамлаш учун ўзига хос майдон бўлган ушбу аънавий ярмарка инновацион фаолиятни кенгайтириш, ишлаб чиқариш корхоналари, биринчи навбатда, реал сектор тармоқларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга хизмат қилаётди.

Жорий йилги ярмарка вазирилик ва идоралар, банк сектори, иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик, фермер хўжаликлари, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, алоҳида ихтирочиларни бирлаштирди. Унда sanoat, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармакология, ахборот-коммуникация технологиялари, фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган қарийб 500 ишланма, инновацион ғоя ва лойиҳалар намойиш этилди.

– Биз машина ва трактор агрегатларини назорат қилишининг автоматлаштирилган бортли микропро-

цессорли тизимини ишлаб чиқдик, – дейди Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг катта ўқитувчиси Ўткиржон Ўбайдуллаев. – Бу тизим мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган планшет компьютери базасида ишлайди ва хорижда ишлаб чиқарилган шундай маҳсулотларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Ишланмалар «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти буюртмасига асосан олиб борилди ва шу боис бортли компьютерлар яқин вақт ичида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий тракторларга ўрнатилади.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси доирасида илк бор ташкил этилган Тошкент халқаро



инновация форумида Ўзбекистон, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Греция, Россия, Арманистон ва бошқа мамлакатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Форум иштирокчилари ривожланган давлатларнинг инновация тизимлари ва ушбу йўналишдаги тажрибалар, мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш истиқболлари, инновацион иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишга доир дол-

зарб масалаларни муҳокама этди.

Шу тариқа ярмарка амалий илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасида йўлга қўйилган кооперация алоқаларининг яққол намунасига айланди ва иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини инновацион ривожлантириш, мамлакатимизнинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятда эса, фуқаролар манфаати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида эъзозланиши, улар томонидан кўтарилган қонун доирасидаги ҳар қандай масала, муаммо ва мурожаатлар тегишли тартибда ўрганиб чиқиши лозим.

Зеро, Бош Қомусимизнинг 35-моддасида белгиланганидек, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт”.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”-ги Қонуни айтиш шунга асосида қабул қилинган бўлиб, мамлакатимиз фуқаролари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлайди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ўрнига қабул қилинди, чунки чет давлатларнинг илгор ижобий тажрибаси ҳамда қонунчилик амалиётидаги ҳар томонлама таҳлил этиш натижасида нафақат фуқароларнинг, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб масаласи эканлиги қайд этилди. Зеро, Конституцияимизнинг 13-моддасига кўра демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилиниши белгиланган. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар эса ҳам фуқарога (жисмоний шахсга), ҳам юридик шахсга тааллуқлидир.

Фуқаро қачон шикоят ёзади? Қачонки, ҳақ-ҳуқуқи бузилса, поймол этилса, манфаатига, ишчанлик обрўсига путур етса ариза ёзишга, мутасадди идора вакилларига ариза қилишга мажбур бўлади. Қонунчилигимизда ҳар бир фуқаро мурожаатига эътиборли бўлиш қатъий талаб қилинган.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 3-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаатлар тўғрисидаги янги Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаатлар бўйича иш юритиш тартиби, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари тўлиқ ва батафсил баён этилган. Жумладан, мазкур Қонуннинг 19-моддасига кўра ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Тақлиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этидиган тақлифлар бундан мустасно, бу ҳақда тақлифни қиритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

НУРНА ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги
6-сонли давлат нотариал
идорасининг нотариуси

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши – буларнинг барчаси бутун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айланиши ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди.

БОРЛИГИМИЗ СЕНГА БАХШИДА, ВАТАН

Дарҳақиқат, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етгаётган юртимиз ёшлари замонавий билимларни чуқур эгаллаб, иқтидорли, салоҳиятли, куч-қуввати билан ҳар жабҳада фаоллик кўрсатибгина қолмай, халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Улар бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланган. Энг муҳими, ҳар бир йигит-қиз қалбида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва эҳтиром туйғуси мустаҳкам қарор толган.

Бу муқаддас туйғу ички ишлар идораларида хизмат қилаётган, шу мақсадда таълим олаётган ёшларда янада кучлироқ бўлиши зарур. Чунки уларнинг зиммасига юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлашдек улкан ва шарафли масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академиясида ички ишлар органлари ходимларининг шахсий фазилатлари ва касб малакаларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларнинг ўрнига бағишлаб ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос тизим яратилгани етук мутахассислар тайёрлашда му-

хим омил бўлаётгани таъкидланди. Бу барча соҳа ва тармоқларнинг изчил ривожланишига, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётди.

Ички ишлар тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш, шахсий таркибин маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ходимларнинг дунёқарашини юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кун соҳа ходимларидан юксак профессионализм, ҳушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билишдек фазилатларни янада юксалтиришни тақозо этаётди.

Ана шу руҳда таълим-тарбия олган соҳа ходимлари нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди. Бу борада эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар, фойдаланилиши керак бўлган адабиётлар, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида мазкур фармон ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизда хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитални улушини изчил оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Фармонга мувофиқ микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режалар тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалар текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида 6132 тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 5015 нафари кичик бизнес субъектидир. Туманда “Тошкент лок бўёқ заводи” қўшма корхонаси, “Махсулэнергогаз” акциядорлик жамияти, “Ўзнефтгазинформатика” акциядорлик жамияти, “Апартак” масъулият чекланган жамияти, “Трансйўлқурилиш” давлат унитар корхонаси каби йирик sanoat корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

2014 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 347 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 103,7 миллион АҚШ доллари микдорида инвестициялар киритилди. Инвестиция лойиҳалари sanoatнинг турли соҳалари ва хизмат кўрсатишда амалга оширилиши туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда юқори ўсиш суръатини таъминлайди.

Тадбирда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари жавоб қайтарди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Коммунал хизмат

АҲОЛИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда ўтган йилда қилинган ишлар, куз-қиш мавсумига қўйилган тайёргарлик, кўп қаватли уйлар атрофида озодалиқни таъминлаш ҳамда жорий йилги режалар ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилиб самарали фаолият олиб бормоқда. Улар уй-жой фондини бошқариш ва сақлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ишларини бажармоқдалар.

Бугунги кунда пойтахтимизда 9100 дан ортиқ кўп қаватли уйлар бўлиб, уларга 2,3 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси А.Набиевнинг таъкидлашича, уюшма томонидан ширкатлар фаолияти мониторинг қилиб борилади. Шу билан бирга, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уйларни капитал ва жорий таъмирлаш, авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш, моддий-техника ресурслари ва сифатли умумий хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик масалаларида яқиндан қўллашмоқда.

Ўтган йили куз-қиш мавсуми олдидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўп қаватли уйларнинг фасад қисми, ён атрофини ободонлаштириш, болалар майдончаларини яхшилаш ишлари алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, олти юздан ортиқ ноқонуний қурилмалар бузилиб, 1630 та ўровлар оқиб ташланди. 175 та болалар майдончаси таъмирланди ва қурилди. Эскирган гараж ва автомобил сақлаш жойлари ўрнида замонавий автотураргоҳлар ташкил этилди. Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг том қисми, кириш йўлакларини, иссиқлик, электр энергия тизимларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 4300 дан зиёд кириш йўлакларини таъмирлаш бўлса, 800 минг квадрат метрдан ортиқ том қопламаси алмаштирилди. Кириш йўлакларига 965 та темир эшиклар ўрнатилиб, уч мингга яқин уйнинг ертўласи тозаланди.

Анжуманда маълум қилинганидек, пойтахтимизда навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Кўп қаватли уйларнинг томи, фасад қисми, кириш йўлакларини ва ертўласи кўздан кечирилиб, таъмирталаб жойларини янгиллаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Тадбирда соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб қайтаришди.

Абдуали САЛИМОВ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Бектемир туман ҳокимлигида “Тадбиркорлик фаолияти давлат ҳимоясида” мавзусида тадбиркорлар билан учрашув ташкил этилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб бериш ва замонавий тузилмаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари аҳоли даромадларини ошириб, халқимиз фаровонлигини таъминлайди. Шу боис тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Соҳани янада ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш ҳам муҳим ўрин тутди. Солиқ ва бюджет сийсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка,

қулай шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини янада камайтириш ва солиқ солиш механизмидан соддалаштириш бўйича солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Киритилган ўзгаришларга кўра, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 0,5 фоизга камайтиди. Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун яқин ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларнинг назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлиши алоҳида фикр алмашилди.

Абдували СОДИКОВ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари ҳамшаҳарларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Илгари хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Туркистон" саройида таълим-тарбия муассасалари, Маънавият тарғибот маркази, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, устоз-мураббийлар иштирокида юқоридаги мавзу доирасида тадбир ташкил этилди. Унда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти проректори А.Маврулов, Иккинчи жаҳон уруши фахрийси М.Меркелова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Д.Сиддиқова ва бошқалар Юртбошимиз бошчилигида тинчлик-осудаликни сақлаш, кўп миллатли халқимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат-этибор, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган кенг миқёс-

дорилар кўнлар учун уруш ва меҳнат фронтида жон фидо этганларни унутмаган ҳолда, бугун ёнимизда бўлган кекса авлод вакилларига ҳурмат-иззат кўрсатиш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини уйғотиш, доимо оғоҳ ва хушёр бўлиш, бир сўз билан айтганда, тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти янада очиқ берилмоқда.

Биз айрим йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларини қозғога туширдик.

Абдулазиз ҚИРФИЗБОЕВ,
Яшнобод туманидаги "Бирлашган" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Кексалик — донишмандлик, деган пурмаъно сўзлар бежизга айтилмаган. Ёши улуг инсонларнинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат макта-

тинчлик-осойишталик туфайлигина эришиш мумкин. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди".

Тоҳир ТЎХТАЕВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Олмазор туман бўлими раиси:

— Кеча ким эдигу бугун ким бўлди? Мана шу савол ҳамиша ёдимиздан чиқмаслиги керак. Юртбошимизнинг Хотира майдонида билдирган фикрларини эшитганимда, беихтиёр тинчлик-осойишталик ҳукми сураётган диёрда яшаётганимизга шукроналар қилдим. Ахир дунёдаги воқеалардан хабардор бўлиб турибмиз, айрим давлатларда кечаётган урушу жанжаллар қандай аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Шундай экан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчликни, мусаффо осмон, осойишта ҳаётимизни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Ғайрат АРИПОВ, "Гузарбоши" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони"

жамоатчилик тузилмаси раҳбари:

— Бизнинг энг катта бахтимиз эмин-эркин, тинч-осойишта шароитда яшаётганимиздир. Ота-боболаримиз кўрмаган замонни бизга кўриш ва яшаш насиб этди. Шундай осуда ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш энди бизнинг қўлимизда. Маҳалламизда олиб борилаётган ишларимиз ҳам мана шунга қаратилган. Ёшларимизни ақлли, одобли, илмли ва келажагимиз учун масъулиятли қилиб тарбиялаш доимий эътиборимизда. Чунки улар эртага биз бошлаган ҳайрли ишларни давом эттирадilar, мана шундай тинч ва фаровон ҳаётни таъминлашга ҳисса қўшган кекса авлод вакилларига иззат-ҳурмат кўрсатадилар. Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни журналистларга берган интервьюларида билдирган фикрлари ҳар биримиз учун муҳим сабоқ бўлиши ва ундан керакли хулоса чиқариб, ўз иш тажрибамизда фойдаланишимиз, амал қилишимиз керак.

Шоира ИБРАГИМОВА,
Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактаби директори:

— Мустақил юртимизнинг ютуқларини бутун дунё таш олмоқда. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг яна бир ҳалқаро эътирофидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир. Шундай экан, бир нарсани унутмаслигимиз керак: мамлакатимиздаги тинч-осойишта турмушимизни кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг хушёр ва оғоҳлигимиз, Ватан тақдирига дахлдорлигимизга боғлиқ. Мана шу дахлдорлик туйғусини ёшларимиз онгига синдиришимиз ва бунда уларга биз, катта авлод вакиллари ибрат ва намуна бўлмоғимиз керак.

Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди

ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

би бўлиб келган. Улар бугунги тинч, дорилармон кўнларга осонликча етиб келишмаган. Кекса авлод вакиллари мустақилликнинг қанчалик буюк неъмат эканини ёшларга ўқитишди, ўзларининг ҳаётлари, кийинчилиги эришган натижалари ҳақида сабоқ беришди.

Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари ўтказган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингига Ўзбекистон дунёнинг 158 мамлакат орасида 44 ўринни, МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаганини айтиб ўтганлари мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Энг муҳими, шу юрт фарзанди бўлган ҳар биримиз ома-Ватанимизнинг янада раванқ топиши йўлида садоқат билан хизмат қилмоғимиз керак.


Наврўзбек МУСАЕВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви бош мутахассиси:

— Юртбошимиз томонидан Хотира ва қадрлаш кунини билдирган фикрлардан кўнглим гурурга тўлди. Обод ва озода Ватанда яшашимдан, инсон қадри улуғланган, кексалари эъзозланган юрт фарзанди эканимга шукроналар қилдим. Заминимизда ҳукм сураётган барқарор тинчлик туфайли қалбимизда хотиржамлик, уйқумизда ҳаловат бор. Келажагимиз бўлган ёшлар учун барча соҳаларда шарт-шароитлар яратилган, уларга катта эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, биз қайси соҳанинг вакили бўлмайлик, ўз ишимизга масъулият билан ёндашайлик. Токи фарзандларимиз юксак ютуқларга, нурили манзилларга эришсинлар, уларга тўғри йўлни кўрсатиб, ёнларида таянч бўлиб турайлик. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бунга

Таълим

УНИВЕРСИТЕТДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди. Унда университет профессор-ўқитувчи ва талабалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Университет ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-хунар эгаллаши, иқтисодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, чет тилларини пухта ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 12 майдаги фармонида мувофиқ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таъкидланган таълим-тарбия муассасаларида чет тилларини ўрганиши янада ривожлантириш, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари, олий таълим муассасалари учун юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугун хорижий тилларни билиш — замон талаби. Мамлакатимиз таълим тизимида чет тилларини ўқитиш тизими мунтазам такомиллашиб бораётгани шундан, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Ҳамидулло Ҳасимов. — Ҳозирги кунда ўқув даргоҳимизда 6150 га яқин талаба инглиз, немис, француз ва бошқа ўнлаб чет тилларини пухта ўрганмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 23 майдаги "Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таълим-тарбия муассасаларида чет тилларини ўқитиш стандартлари ҳақида"ги Қарори муассасамизда таълим ҳаётида халқаро ўқитиш стандартлари ҳақида мустақиллик, замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш талабини олдимишга қўйди. Шу боис Британия кенгаши

мутахассислари билан ҳамкорликда "Инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги дастури"ни ишлаб чиқдик ва фаолиятимизга кенг татбиқ этдик. Университетимиз қошида чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази, кўплаб тил ўқитиш марказлари фаолият олиб бормоқда. Бугунги тадбир жараёнида ўқитувчи ва талабаларимиз таълим даргоҳимизда олиб борилаётган бу каби ишлар ҳақида қизиққанларга батафсил маълумот берди.

Тадбирда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари учун профессор-ўқитувчилар томонидан университетда мавжуд барча таълим йўналишлари бўйича очик дарслар ташкил этилди.

— Тадбирда қатнашганимдан хурсандман, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусов академик лицейи ўқувчиси Баҳодир Абдуллаев. — Ушбу таълим муассасасининг инглиз тили филологияси факультетидида ўқишни дилимга тукканман. Бу ерда пухта таълим олиш учун барча шароит мўҳайё экан. Университет чет тилларни ўрганиб, дунё ёшлари билан бўйлашганини истаган барча йигит-қизларни "Ўқийман десанг, келавер" дея ўзига чорлаб турибди.

Тадбирда талабалар иштирокида университет билан ҳамкорлик ўрнатган АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания ва бошқа йигирмадан ортқ мамлакат халқларининг тарихи, турмуш тарзи, маданияти ва урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи тақдиротлар, бадиий чиқишлар, саҳна кўринишлари, куй-қўшиқ ва рақслар намойиш этилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Бугунги кунда барчани ташвишга солаётган оммавий муаммолардан бири бўлган одам савдосига қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилиб, унинг олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

ОДАМ САВДОСИ — АСР МУАММОСИ

Халқаро оила куни муносабати билан Сергели туман ҳокимлигида ўтказилган тадбир ҳам фикримиз далилидир. Тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокида ўтказилган семинарда юқоридаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда хорижга узок муддатга чиқиб кетган шахсларнинг оила аъзолари билан учрашиб, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда. Уларга одам савдоси домига тушиб алданиб қолмаслик учун масаланинг тарбиявий аҳамияти тушунтирилмоқда.

Ҳар бир фуқаро билан алоҳида суҳбатлашиб, ҳолидан хабар олиш, уларнинг қўнглига йўл топиш, ғам-ташвишга шерик бўлиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш орқали қўлидан келганча ёрдам бериш маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг меҳроқибат тушунчаларини

кенг ёйишлари ва юртимизнинг тинчлик-осойишталигига ўз ҳиссаларини қўшаётганларидан далолатдир.

Тадбир доирасида одам савдоси домига тушган фуқароларнинг жисмоний ва маънавий тазйиқларга учраганлари, ўз Ватанларини ташлаб кетиб, чет элда мўмай пул топаман, дея катта хатога йўл қўйганликлари далиллар орқали исботлаб берилди. Бориға сабр этиб, ортқча бойликка ҳавас қилишнинг оқибати аянчли эканлиги акс этган видеоларлар кўпчилики беэътибор қолдирмади.

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан чет элга чиқиш ниятида бўлган фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётгани боис, одам савдоси жабрдийдалари сони кейинги пайтларда анча камайди. Бунда тағрибот-ташвиқот ишларининг ўрни катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қамолддин ХАМДАМОВ

Анжуманлар

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Миллий матбуот

марказида Ўзбекистон

Республикаси Халқ таълими

вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикасида бошланғич таълим сифатини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари даставвал Сергели туманидаги 300-мактабда бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган тажрибалар билан танишишди.

Мамлакатимизда таълим тизимини сифат ва мазмун жиҳатидан янги, юксак поғонага олиб чиқиш, ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларига бўлган қизиқиш ва билимларини янада мустаҳкамлашнинг юксак самаралари, ўқитиш методикасини замон талабларига мослаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқитувчиларнинг дарсларга ҳар томонлама масъулият билан ёндашишини таъминлаш, дарс жараёнидаги юқори сифатли, илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети олимлари, амалиётчи ўқитувчиларидан иборат иқидий гуруҳлар шакллантирилди.

Махсус режа асосида "Саводга ўргатиш дарслари", "Она тили", "Ўқиш", "Математика", "Русский язык", "Книга для чтения", "Астрономиядаги олам" дарсликлари, методик қўлланмалар ҳамда мультимедиа иловалар чоп этилиб, ўқув масканларига етказилди.

Таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича республикаимиз миқёсида 28 та тажриба-тадқиқот майдонидида 2010-2014 йилларда синовдан ўтказилган 150 дан зиёд технология ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур тажриба-тадқиқот майдонлари бугунги кунда "махорат мактаблари"га айлантирилиб, уларда "Муаммоли таълим технологияси", "Хамкорлик технологияси", "Лойиҳа-тадқиқот технологияси" каби таълим услублари синовдан ўтказилмоқда.

Таълим тизимининг барча босқичларида ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув муассасаларини дунё стандартларига жавоб берадиган ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи синфда ўқийдиган болажонларга Президентимиз совғаси сифатида дарслик ва ўқув анжомлари бепул тарқатилмоқда. 2-4 синф ўқувчилари учун икки йилда бир марта, 5-9 синф ўқувчилари учун эса ҳар тўрт йилда дарсликларнинг қайта чоп этилиши йўлга қўйилган.

Биринчи синф ўқувчилари, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари ўқувчиларига дарслик ва ўқув қўлланмалари бепул тарқатилади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ болаларга биринчи синфдан бошлаб чет тилини ўргатиш йўлга қўйилди.

Инглиз тилини ўрганиш мактабларнинг биринчи синфларида ўйин тарзида ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш орқали босқичма-босқич олиб боришмоқда. Барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синф хоналари ўқув адабиётлари, лугатлар ва DVD магнитолалар билан таъминланган.


Бошланғич синф ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида чет тили тўғракларида жалб этилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олишди.

Гулнор САТТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Zayniddin o'rnadi savdo" MCH (INN 301797226) jam'iyati ustavi fondining 794 980 000 (etti o'z tujson turt milli-on) tujkuzi o'z sakson ming) sumdan 5 000 000 (besh milli-on) sumga kuzkartirilganligi haqida ma'lum kiladi. Davolov e'lon nashr kilingan kundan bo'shlab bir oy davomida Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Toshkent Xalqa avtomobil y'uli k'chasi, 5-uy manziliida qabul kilinadi.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий янгиликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, спорт ускуналарини ишлаб чиқариш — буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилига айлантиришга хизмат қилаётди. Ўзбекистон гимнастика Федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика Федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илгори тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларда халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда.

— Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор, — дейди япониялик мураббия Ока Куруми. — Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортининг бир неча тури билан шугулланиб, соғлом бўлиб улғаймоқда, катта спортга қадам қўймоқда. Мамлакатингизда бадий гимнастика тез ривожланмоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Мақомига кўра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионати яқин турадиган бундай юксак савиядаги бадий гимнастика мусобақалари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Тошкент шаҳри бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичлари, 2010 ва



2013 йилларда Осиё чемпионати, 2014 йилнинг апрель ойида спорт гимнастикаси бўйича қитъа чемпионати мезбонлик қилгани мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган тайёргарлик дастурига кўра, гимнас-

тика ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медалга сазовор бўлди. Бадий гимнастика бўйича Францияда ўтказилган Гран-при турнирининг жамоавий баҳсларида иштирок этган терма жамоамиз аъзолари бронза медални қўлга киритди.

Тошкент шаҳрида бошланган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги ва "Happy Gaganan" халқаро турнирида дунёнинг энг кучли юзга яқин гимнастикачиси ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этмоқда.

— Мусобақа жуда юқори савияда ташкил этилган, — дейди италиялик гимнастикачи Литиция Чикконелли. — Ўзбекистонда бадий гимнастикани ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Мамлакатингиз спортчилари жуда маҳоратли, мусобақага яхши тайёргарлик кўргани ҳам сезилиб турибди.

Ушбу жаҳон кубоги босқичи гоёат аҳамиятли. Мен ҳам унда бор маҳоратимни намойиш этиб, ғалаба қозониш ниятиданман. Бу мусобақа ҳар бир иштирокчи ҳаётида ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишига ишончим комил.

Мазкур халқаро турнирнинг аълоқилар ўртасидаги баҳсларида Анаора Давлатова, Нилуфар Шомуродова, Жасмин Юсупова, Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Рауля Фархутдинова сингари гимнастикачиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гурӯҳ баҳсларида Луиза Фаниева, Марта Ростобурова, Зарина Курбонова, Валерия Давидова ва Самира Амировадан иборат жамоамиз катнашмоқда.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт намойиш этилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Темур Мамадаминов олган суратлар

ЖАҲОН ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

тика ҳам мамлакатимизда етакчи спорт турлари қаторидан жой олди. Гимнастиканинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган турлари — бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамплин бўйича ўтказилган мусобақаларда катнашаётган спортчиларимиз кўрсаткичларини тобора яхшилаш, олимпия йўлнамаларини қўлга киритиш ҳамда Бразилияда бўладиган Олимпиада совриндорлари қаторидан ўрин олиш учун астойдил бел боғлашган.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон бадий гимнастикачилари нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган "Aphrodite Cup — 2015" халқаро турнирида Ўзбекистон гимнастикачилари учтадан олтин ва кумуш ҳамда битта бронза медални қўлга киритди.

Яқинда Болгариянинг Варна шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон қақуриб кубогининг навбатдаги босқичи

Шаҳримиздаги Кислород заводида «Ёнғин, зилзила ва террорчилик-қўпуровчилик хуружлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун ФМ тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

КОРХОНАДА ОГОҲЛИК ТАДБИРИ

Тадбир уч босқичда олиб борилиб, дастлабкисида Фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибининг саф қўриғи ўтказилди. Штаб бошлиғи томонидан юзага келган вазиятга аниқлик киритилди ва тузилма раҳбарларига маълум қилиниб, уларга вазифалар кўйилди.

Иккинчи босқичда корхонада авария содир бўлганда штаб аъзолари, фуқаро муҳофазаси тузилмаси сардорлари ва ходимларнинг ҳатти-ҳаракатлари кўздан кечирилди. Шундан сўнг авария содир бўлган жойларни кузатиш ва натижалари бўйича ахборот бериш ва бартараф этиш ҳаракатлари олиб борилиб, жараҳат олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш муассасаларига юнатиш машқлари амалга оширилди.

Сўнгги босқичда Кислород заводи фуқаро муҳофазаси тузилмалари томонидан бинодаги ишчи-ходимлар ва қимматбаҳо буюмларни зудлик билан олиб чиқиш кетиш тадбирлари ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ташкилот фуқаро муҳофазаси тузилмаси асбоб-анжомлари ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Машқ жараёнида корхона раҳбариятига тақлифлар киритилди. Умуман олганда кўйилган асосий мақсад бажарилди, ўқув машқининг саволлари бўйича завод раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари таркиби қониқarli қатнашди.

Ўтказилган махсус-тактик ўқув машқи давомида жами 42 киши ва 4 та автотехника иштирок этди. Корхона раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга «тайёр» деб баҳоланди.

Азамат СУЙОНОВ

"101"

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилди. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Белгиланган жойларда чекиш.

Шундай қоидаларга риоя қилинса биз уй-жойларимизни, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, қолаверса, ўзини ва яқин киши-ларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат ахшилик йўлида хизмат қилади.

Шу ўринда ҳар бир ватандошларимизга шуни эслатиб ўтамизки, ёнғинни ўқирашдан кўра унинг олдини олиш енгилдир. Шундай экан келинг, ўз уйимизни, мол-мулкимизни ўзимиз асрайлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ бўлмайлик.

М.КАРИМОВ,

24-ХЕХҚ катта инспектори, сержант

Бугунги кунда корхона, муассаса ва аҳоли яшаш уйларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

КАСБ МАҲОРАТИ ОШМОҚДА

Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда ёнғинларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирлар ташкил этиб, кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Маълумки, ички ишлар идораларининг барча соҳалари

қатори ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам халқимизнинг тинч, хотиржам турмуш кечиришлари учун бор куч-ғайратларини ишга солиб келмоқдалар. Кейинги пайтларда тизимларимизда катта ўзгаришлар юз бераёпти. Жойларда ёнғинларнинг олдини олиш

бўйича ўтказилаётган кенг қамровли профилактик тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтган йилнинг мос пайтига нисбатан ёнғинларнинг сони бирмунча камайишига эришилди.

Бу эса, ўз навбатида, ходимларимизнинг касб-маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Ерлан КУЛМАНОВ,
32-ХЕХҚ инспектори,
сержант

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11298 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 555

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.10

1 2 3 4 5

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 16 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Яшнобод туман СИБ томонидан, 2012 йил 24 май кунги СБ-84/12-сонли ва бошқа ижро варақаларга асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган, умумий майдони 4679 кв.м. бўлган бино-иншоотлар. Бошлангич нархи 1 074 813 000 сўм.

2. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 12 январь кунги 1-3/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод кўчасида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган нотурар жой. Бошлангич нархи 45 010 000 сўм.

2015 йил 30 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Миробод туман СИБ томонидан, 2015 йил 23 февраль кунги ЖСК-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/2-уй, 20-хонадон, умумий майдони 214,08 кв.м. Бошлангич нархи 474 959 220 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уй, 10-хонадон, умумий майдони 167,88 кв.м. Бошлангич нархи 378 655 347 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уй, 18-хонадон, умумий майдони 114,60 кв.м. Бошлангич нархи 258 481 670 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уй, 19-хонадон, умумий майдони 258,12 кв.м. Бошлангич нархи 582 192 745 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Яккачинор кўчаси, 10/3-уй, 20-хонадон, умумий майдони 219,94 кв.м. Бошлангич нархи 496 077 299 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевоқифа жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истистада бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 30% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва савдосини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 5 июндаги 141 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 8 майда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган, умумий майдони 1099 кв.метр бўлган савдо дўкони бино ва иншоотлари, бошлангич баҳоси — 1 291 025 500 сўм, сотилиш баҳоси — 2 540 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 19 августдаги 219 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 11 майда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилов кўчаси, 34-уйда жойлашган, Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1 831,0 кв.метр бўлган, Машиқ ҳўжалик бино ва иншоотлари, бошлангич баҳоси — 1 603 366 230 сўм, сотилиш баҳоси — 1 880 000 000 сўм.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 августдаги 230 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 12 майда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси 31-уйда жойлашган, умумий майдони 422 кв.метр бўлган, собик «Зумрад» дўкони биноси, бошлангич баҳоси — 1 653 002 000 сўм, сотилиш баҳоси — 1 910 000 000 сўм.

БИЛДИРИШ!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали томонидан "Биржа" газетасининг 16.05.2015 йилдаги 57 (1924)-сонини, "Ишонч" газетасининг 19.05.2015 йилдаги 62 (3567)-сонини ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 19.05.2015 йилдаги 103 (12.916)-сонинида хабарномаси чоп этилиб, очик аукцион савдосига чиқарилган, ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрн шаҳри, 2/2-дахаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 56,9 кв.м бўлган 3 хонали, балкон (2/6), поли паркетдан бўлган 40-хонадоннинг бошлангич баҳоси — 74 404 000 сўм деб ўқилин.

Асос: ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 21 майдаги МР-11/2490-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-А" уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltorsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 май кунин ҳаво ўзгаришларининг об-ҳаво шароити туради, ёнғингарчилик ти шаҳар ҳаво муҳитида бўлмайд. Шарқдан секун зарарли моддаларининг сақдига 3-8 метр тезликда ланиб қолишига ижтимаият шомол эсади. Ҳарорат ке- яратиди, ифосиланиш да-часи — 11-13, кундузи — ражаси наст бўлади.

27-29 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,

26 майда Тошкент